

Антик даврда деярли хар кандай шеър ода, деб аталган. Кейинчалик бу сўзнинг маъноси торайган ва инсоният хаётидаги улугвор воеаларни, кишиларнинг каҳрамонликларини, кўтаринки кайфиятда мадх этувчи шеър ёки кўшиқдар ода, деб атала бошланган. Антик адабиётдаги ода жанри тараккиётига энг катта хисса кўшган шоирлардан бири кадимги юонон адиби Пиндардир.

Ода кадимги Римда бошкacha хусусиятга эга бўлган. Рим империяси оёкка туриши даврида янги давлатни ва унинг хукмдори Августни мадх этиш максадида факат кадимги эпопея жанридангина эмас, балки янги мазмун ва шакл касб этган одадан хам фойдаланилди. Вергилий ва унинг «Энеида»си билан бир каторда Римда шоир Гораций одалар ижод килган.

Сиртдан караганда, Гораций Пиндарга таклид килган бўлса-да, унинг одалари кадимги юонон шоири асарларичалик халкчиллик руҳига эга эмас эди. Пуш-кин айтганидек, Гораций, асосан, император Августнинг маддохи бўлган ва Рим аристократиясининг эстетик эҳтиёжларини кондиришга интилган.

Уйгониш даврида оданинг ёркин намуналари Фран-цияда пайдо бўлади. Француз одаси XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида ажойиб шоир Мольер ижодида гуркираб ривожланиш даврига киради.

Ода ривожи Россияда Ломоносов ва Державин номи билан бөглиқцир. Ватан хамда унга хизмат килиш муддаоси бу шоирлар ижодида етакчи ўринда туради.

Оданинг ахамияти кейинги даврларда бошка жанрларнинг шиддатли ривожланиши билан бөглиқ холда бирмунча камаяди.